

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KORRUPSIYAGA QARSHI
KURASHISH AGENTLIGI**



**АГЕНТСТВО ПО
ПРОТИВОДЕЙСТВИЮ КОРРУПЦИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

100070, Toshkent shahar, Sh. Rustavelli ko'chasi, 8A
Tel.: (998 71) 202 04 02 (102),
el. pochta.: info@anticorruption.uz, antikor@exat.uz

100070, город Ташкент, улица Ш. Руставели, 8А
Тел: (998 71) 202 04 02 (102),
эл. почта: info@anticorruption.uz, antikor@exat.uz

06.01.2022
03.07/24

**Давлат органлари
ва ташкилотлари
(рўйхат бўйича)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда коррупцияга қарши ички назорат тизими (“комплаенс-назорат”) ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг бошқа халқаро воситаларини жорий этиш ва самарали фаолият кўрсатишини ташкиллаштириш вазифаси юкланган.

Ушбу вазифа ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йил 18 октябрда 01-07/6859-сон ҳат билан ISO 37001:2016 коррупцияга қарши халқаро стандарт талабларидан келиб чиқиб, давлат органлари ва ташкилотларида қабул қилиниши лозим бўлган ички ҳужжатлар тўплами юборилган.

Бундан ташқари, 2021 йил 24-25 ноябрь кунлари давлат органлари ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимлари учун ISO 37001:2016 коррупцияга қарши халқаро стандарт талабларидан келиб чиқиб амалий машғулотлар ўтказилди, улар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, хусусан коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналларини ташкил этиш масаласи белгилаб берилган.

Юқоридагиларга асосан, ташкилотингизда коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақида ахборот бериш учун ташкил этилган алоқа каналлари манзили тўғрисидаги маълумотларни Агентликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш мақсадида жорий йилнинг 14 январига қадар иловага мувофиқ (PDF ва Word форматда) тақдим этишингиз сўралади.

Илова: 1 варақда.

Директор ўринбосари



Т. Хайдаров

Ижрочи: Муштарий Мадраҳимова
Тел.: (71) 202-04-02 (224)

SURMONDARYO WILAYAT HOKIMLIGI	SAHIFALAR SONI	2
	KIRISH №	02-25/42
	SANASI	07.02.2022

да

Ташкилот номи

ташкил этилган алоқа каналлари тўғрисида МАЪЛУМОТ

№	Ишонч телефон рақами	Расмий сайтдаги саҳифа	Электрон почта манзили	Телеграм бот	Facebook саҳифа